

## ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА «ФАКТ-ЧЕКИНГ» КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУН- МОҲИЯТИ

*Хожаева Маликахон Носиржон қизи*

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти  
университети, Таржима назарияси ва амалиёти факультети, Инглиз тили  
кафедраси ўқитувчиси  
[malikakhojaeva1@gmail.com](mailto:malikakhojaeva1@gmail.com)*

Тил жиҳатларини билмасдан туриб, биз инглиз тилини коммуникатив мақсадларда ўргана олмаймиз. Муҳокама қилиб ўтилган фикрларни бир жумла билан ифодаладиган бўлсак, чет тилларни ўқитиш бу ўрганилаётган тиллардаги грамматик қоидаларни яхши билиш эмас, балки тилларнинг турли ижтимоий контекстларда ишлатилишини ўрганиш демакдир. Бунда чет тилларни ўрганувчилар қай бир вазиятда қандай гапириш ёки гапирмаслик, ким билан гаплашганда қандай маданият нуқтаи назаридан мос сўз танлай олиш маҳоратига эга бўлиш, деган маънони англатади.

“Социолингвистик ёндашув”да грамматик қоидалар маълум бир ижтимоий контекст доирасида талқин қилинади ва дарс жараёнлари ушбу ижтимоий контекст мантиғидан келиб чиқиб ташкил этилади. Чет тилларни ушбу замонавий ёндашув орқали ўрганиш талабаларга ҳаётий коммуникатив вазиятларда мулоқотга кириша олиш кўникмаларини шакллантиришга олиб келади. Бу ерда талабалар чет тилларининг грамматик қоидаларини яхши билиши мумкин, аммо улар маълум бир вазиятда, масалан, “узр” сўрашда жамиятда қабул қилинган ижтимоий қоидалар нуқтаи назаридан хатога йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса, ўз навбатида, турли миллат вакиллари ўртасида тилни тўғри ишлатмаслик оқибатида маданиятлараро мулоқотда муаммоларга, бир бирининг фикрларига нисбатан салбий баҳо бериш вазиятларига олиб келиши мумкин. Биз тажрибадан биламизки, эски, фақат грамматик қоидаларни ўргатишга асосланган ёндашувлар орқали чет тилларини ўрганган талабалар кўп ҳолларда амалиётда бошқа миллат вакиллари билан мулоқотга киришганда ўзларининг коммуникатив мақсадларига эриша олмайдилар.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида чет тилларини ўқитишда ушбу социолингвистик ёндашувдан кенг фойдаланилади. Университет ҳузуридаги Чет тиллари ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ва АҚШнинг Джорджия университети лингвистлари томонидан яратилган ўқув-методик қўлланмаси чет тилларни ўқитишда дарс жараёнида айнан социолингвистик ёндашувдан қай тарзда фойдаланиш кераклигини очиб беради. Ушбу ўқув-методик қўлланмадан Чет тиллари ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида республика олий таълим муассасаларидан келадиган чет тиллари

ўқитувчилари учун ташкил этиладиган малака ошириш курсларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Албатта, республикамизда чет тилларни ўқитиш борасида социолингвистик ёндашувни бир пайтда барча олий таълим муассасалари ўқитувчилари орасида жорий этиб бўлмайдди. Кўпгина ўқитувчилар ханузгача эски, грамматик ёндашувга асосланган дарслар ташкил этиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири – грамматикага асосланган чет тилларини ўқитиш ёндашуви ўқитувчи учун дарс жараёнини ташкил этишда унча қийинчилик туғдирмаслигидадир. Чунки грамматик қоидаларни бир китоб доирасида ўқитиш мумкин. Бошқа томондан, чет тилларни ўқитишда социолингвистик ёндашув ўқитувчидан нафақат китоб доирасидаги грамматик билимни, балки ўрганилаётган мамлакатнинг маданиятини, сиёсатини, тарихини, бир сўз билан айтганда нолингвистик жараёнларни тил ўқитишда таҳлил қилишга чорлайди. Шунинг учун чет тиллар ни ўқитишда социолингвистик ёндашувдан кенг фойдаланиш, албатта, вақт талаб этадиган жараён эканлигини биз яхши англаймиз.

Агар чет тилларини ўқитишда грамматикага асосланган ёндашув “ёд олиш” методикасини кўзда тутувчи жараёнларни дарсда қўллашни эътиборга олса, социолингвистик ёндашув эса турли коммуникатив вазиятларда мулоқотга (оғзаки ва ёзма) киришиш кўникмасини (яъни, коммуникатив компетенция) ўрганувчиларда шакллантиришни мақсад қилади. Бунда тил ўрганувчилар дарс жараёнида интерактив методлардан, яъни кейс иши бажариш, аутентик вазиятлардаги диалогларни таҳлил қилиш орқали чет тилларини ўзлаштирадидилар. Масалан, кейс иши бажариш доирасида инглиз тилини ўрганувчилар АҚШда ишга қабул қилишда бўлиб ўтадиган интервью жараёнларини мустақил равишда таҳлил қилади, у ерда ишлатиладиган сўзларнинг контекстуал маъноларини кўриб чиқади, интервью иштирокчилари ўртасида имо-ишора ҳамда ҳис-туйғу ва ҳиссиётлар алмашинувини кузатади ва ушбу коммуникатив вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини ўрганади.

Диалогларни таҳлил этиш жараёнида эса ўрганувчилар, масалан, АҚШ ва Британия вакиллари оғзаки тарзда табрик йўллаш жараёнида қандай кириш сўзлари ишлатишини ва табрик якунида қандай жумлалар билан хотима ясашлари эътибор марказида бўлади. Чет тилларини ўрганишда ушбу аутентик коммуникатив вазиятларнинг таҳлили муҳимлиги шундан иборатки, ўрганувчилар нафақат грамматик жиҳатдан тўғри гап тузишни, балки чет тилларида гапирувчиларнинг маданияти тилда акс этишини ўрганадилар. Бунинг муҳимлиги қуйида берилган мисолда ўз аксини топган. Масалан, агар японияликлар интервью пайтида инглиз тилидаги жавоблари қисқароқ бўлса, бу уларнинг инглиз тилини ёмон билади, деган хулосани билдирмайди. Бундай қисқа жавоб беришлар японларнинг маданиятларидан келиб чиқади, яъни саволга аниқ ва қисқа жавоб бериш ва сўралмаган нарса ҳақида фикр юритмаслик. Тил орқали маданиятни ўрганиш ва маданият

орқали тилни ўрганиш бу социолингвистик ёндашув ва унда қўлланиладиган интерфаол методларнинг марказида турувчи қараш ҳисобланади.

Албатта, юқорида қайд этилган чет тилларини ўрганишда ишлатиладиган замонавий интерфаол, талабани мустақил ишлашга мажбур этадиган методлар республикамиз олий таълим муассаларида, хусусан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида кенг қўлланиб келинмоқда. Бироқ ушбу замонавий методлардан дарс жараёнида самарали фойдаланаётган чет тиллари ўқитувчилари сони чегараланган. Бундай чегараланганликнинг сабаби шуки, кўпчилик чет тиллари ўқитувчилари фақат грамматик қоидаларни ўрганиш муҳимлигини таъкидлашади. Ўз навбатида, социолингвистик ёндашувга асосланган методлардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқитувчилардан нафақат лингвистик билимни, балки социология, политология, маданиятшунослик, антропология каби фанлар ҳақида чуқур кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Ҳозир чет тилларига ихтисослашган республика олий таълим муассасалари битирувчилари, бўлажак хорижий тил ўқитувчилари социология, политология, маданиятшунослик, антропология каби фанларни чуқуқ ўзлаштирмайдилар. Бунинг сабаби, ушбу олий таълим муассасаларидаги ўқув дастурлаир асосан лингвистика доирасидаги фанларни ўқитишни кўзда туттади. Ушбу масалада чет тиллари бўйича ўқув дастурларни ислоҳ қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 17.
2. Hartlex Tony. Technology and Translation: in Jeremy Munday. The Routledge Companion to Translation Studies. LondonandNewYork: Routledge, 2009. – P.27.
3. Islomovich, Ismoilov Temurbek. "Academic profession and university in the context of modern institutional reforms." International Journal of Human Computing Studies 3.2 (2021): 7-10.
4. Ismoilov, T. I. "Teacher Department of «Social Disciplines» Namangan Engineering Construction Institute Uzbekistan, Namangan city HUMAN FACTOR IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT PROCESS." Teacher academician lyceum at Tashkent Pediatric Medical Institute Uzbekistan, Tashkent city Artistic performance of the creativity of russian 42 (2018).